



Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуғ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намойиш этиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, оловли майдонларда ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида. Беаёб жангларда жон фидо қилган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун ораимизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шахар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топирилди.

9 май. Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири — Хотира майдони ҳар қанчигидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон эра маҳзун мусика таралади. Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар кўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда, — деди Ислам Каримов. — Пойтахтимиз Тошкентда, шахар ва қишлоқларимизда халқимиз Хотира ва қадрлаш кунига

бағишланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало ана шу аёвсиз урушда қатнашганлар, жанг майдонларидан қайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат бўлаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклаш, уларга узоқ умр тилаб, ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Агар ана шу дахшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз халқ бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади.

Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидagi, қалбидagi мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди.

Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, бегурув осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охири ошад бўлишини йратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Утганлар хотирасини ўз ёлдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суюк-суюгимизга сингиб кетган. Ушбу қадрият халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон тарихида дахшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим қолишига са-



баб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаёти-мизда қолдирган изи, асорати ҳар қанча вақт ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди, унутилмайди.

Президентимиз бундай мудҳиш ва аёвсиз урушнинг яна тақдорнамаслиги учун унинг олдини олиш, илдизи билан йўқ қилиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуроли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо севгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади. Қўшни Афғонистонда бундан 30 йил муқаддам бошланган нотинчликнинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Бу нафақат Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман минтақамизда яшаётган барча одамлар учун катта хавф-хатардир. Ўз юрти, оиласи, фарзандларининг келажagini ўйлайдиган ҳар бир инсонни бу ташвишга солиши табиий. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бежизга айтилмаган, деди Ислам Каримов.

Бугун фаршум устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан,

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча-барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, қўриш қийин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизидa аввало инсон омилли муҳасам. Истиқлолимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида туриб-миз. Тарихан шу қисқа даврда мустақил Ватанимизда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, инсон омилли туфайли кўлга киритаётган ютуқларимизни бугун дунё тан олмоқда, кўплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қарамоқда. Яқинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларда ҳам бу ўзининг яқол тасдиғини топди.

2012 йилни Мустаҳкам оила йили деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшаш каби эзгу максаллар муҳасам, деди давлатимиз раҳбари.

Ана шундай омиллар туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топаётгани ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш масалалари ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Хал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларини қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби барчамиз учун ишончли

манба ва муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-маъмуни, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанини ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига синдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизни биз асрамоқда, ким асрайди, деган эътиқод билан яшашни, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Ислам Каримов.

Буларнинг барчаси бизнинг кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшиши, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаши табиийдир.

Пировардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхтади.

Аввало дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дardини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур.

Айни вақтда миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қўролли Кўчаларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, муҳтасар айтарганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг гуруҳ-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Биз доимо ўз имкониятларимиз, куч-қудратимизга таяниб-суюниб яшаганимиз ва келажикда ҳам шундай бўлажак, албатта.

Биз ўз олдимизга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямган улуғ мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қўриш вазифасини қўйганмиз.

Ана шу йўлда Яратгандан халқимизни, Ватанимизни ёмон кўзлардан сақлашда ўзи маддадор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деди Ислам Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу кун анвойи гулларга бурканди. Музаам майдон оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Ў.А. Сарвар ҲУМОНОВ (Ў.А.) олган сурат

Эъзоз ва эҳтиром

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг «Хотира — абадий, жасорат — мангу» акциясини ўтказиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлашга барча касоба уюшма фаоллари яқинлик билан киришдилар. Шу туфайли мамлакатимиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилувчи ишчи-ходимлар, талаба-ёшлар ўртасида Ватанимиз озодлиги ва шон-шўҳрати йўлида жонларини фидо қилган юртдошларимизни хотирлаб байрам тадбирлари, маданий-маърифий кечалар, спорт мусобақалари, хотира турнирлари ўтказилди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари билан «Уч авлод учрашувлари», «Эл-юрт тинчлиги учун курашганлар», «Хотира абадийдир», «Инсон хотираси — азиз», «Бир умр ёдимизда сақлаймиз», «Хотира — абадий, жасорат — мангу», «Жангоҳларда қолган умрлар» каби мавзуларда давра суҳбати ва маънавий соатлари ташкил қилинди. Саховат, Мурувват уйларида истиқомат қилувчи қариялар ҳолидан хабар олди ва уларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Бундан ташқари, 232 нафар уруш қатнашчиларининг буюк алломалар қадамжолари, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига зиёрати ташкил этилди. Ушбу мақсадлар учун касоба уюшма маблағидан 5,536 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, акция доирасида Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 67 йиллиги нишонланиши муносабати билан касоба уюшмалари томонидан республика бўйича 3888 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронларига 445,15 млн. сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди. Уларга озиқ-овқат тўпламларини тортиқ қилиш бўйича хайрия тадбирига касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 20 млн. сўм ҳомийлик ёрдами уюштирилди. Жумладан, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» кексалар ва ногиронлар учун интернат уйида яшовчи 167 нафар ёлғизларга 5 млн. 630 минг сўмлик кийим-кечак олиб берилди. Тиббий бўлим моддий техник база-си 30 млн. сўмлик тиббиёт анжомлари билан бойитилди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахт вилоятида ягона ҳисобланган бу даргоҳнинг ёерда жойлашганини биринчи чорраҳадаёқ бизга тушунтириб беришиди. Ёлғиз, қаровчиси йўқ қариялар яшайдиган жой ҳақидаги тасаввурлар сиртдан қараганда ҳар қандай кишининг, айниқса, биз ўзбекларнинг кўнглимизда тушунисиз бир оғриқ кўзғайди. Кўпчилик оҳангаронликлар ҳам бу даргоҳни шу маънода қабул қилган бўлиши мумкин. Бироқ... ланг очик дарвозадан қарабоқ «қариялар уйи» ҳақидаги тасаввурларимиз тумандек тарқаб кетди. Касбимиз тақозоси билан республиканинг барча санатор-курортлари ва дам олиш масканларида бўлганмиз. Оҳангарон «Саховат» уйи ҳудудидаги ободончилик, сарнишалик ва у туфайли вужудга келган микроклим ажайиб, ҳузурбахш эди.

Бу жойнинг эгаси бор экан!

«Интернат» директори Алишер Иноқов билан суҳбатлашгач, бу фикримиз тўғрилигига яна бир қарра амин бўлдик. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, кўп йиллар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш соҳасининг юқори ташкилотларига ишлагани учун ҳукуматнинг ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни химоялаш борасидаги сибсатини яхши тушунади. Республика бўйича олганда беш мингдан ошқ шундай мақомдаги кексалар ижтимоий муҳофаза билан қамраб олинган. Лекин бунга уйда яшаб ижтимоий хизматдан баҳраманд бўлаётган кексаларни қўшсақ, бу рақам икки уч баробар ошиши мумкин. Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан шу йил феврал

Оҳангароннинг саховат уйи

ойида ташкил этилган услубий-амалий семинарда А.Иноқовнинг Оҳангарон «Саховат» интернат уйи, Оҳангарон «Мурувват» интернат уйи ва Ангрён реабилитация маркази базасида саховат йўналишидаги маданий-маърифий марказ ташкил этиш орқали манзилли ижтимоий муҳофаза самарадорлигини ошириш ҳақидаги тақлифи кўпчилиги томонидан маъқулланган.

Алишер Иноқовнинг интернат учун сувли ердан 5 гектар ажратиш ҳақида туман ҳокимига мурожаати, саховат уйи қарияларининг таомнамасини кўриб, ҳатто туман прокурори ҳар кун ҳам уйдига нонушгани бундай йўсинда ташкил қила олмаслигини эътироф этгани бу ғишнинг ҳаётини манзарасига бир қатор ойдинлик кирилтади, албатта. Шулар ҳақида суҳбатлашяпмиз, беихтиёр асосий бино пештоқидаги ранг-баранг шарларга қараб

ўйга толдик: байрам арафасида фарзандларимиз ёки набираларимизни боғчасига олиб борганда, бундай шарлар гулдастасини кўп кўрганмиз. Қарилк ҳам болалик, деганлари рост экан. Арафа кун Оҳангарон «Саховат»лар уйи аҳолисининг кайфияти болалар боғчасидаги каби жўшқин эди. Ботир Зокиров номидagi Оҳангарон болалар

санъат мактаби ўқитувчилари, «Ўзбекистон, сени қулайман» фестивалининг ўтган йилги ғолиблари Санобар Илёсова ва Обид Каримовнинг дилтортар қўшиқларига рақс тушган бобонону буювчиларининг шодон кайфиятида буни яна бир бор ҳис этдик. Кўплари ногиронлик араваҳасида, ҳассада, хоразмақ мақомда ўйнаётганлари ҳам бор. Уларга шифокорлар жўр бўлишган.

(Давоми 2-бетда).

Янгийул туманидаги «Нихол» ресторани ҳар доим-гидан-да файзлироқ, тантаналироқ тус олди. Биринкетин кириб келаётган онахону отахонлар чеҳрасида қувонч акс этарди. Ўртадаги столлардан бирида қўр тўкиб ўтирган, сочлари қордек оппоқ, саксон ёшлар атрофидаги онахон беихтиёр эйтиборни тортди.

МЕХР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР

Янгийуллик меҳнат фахрий-ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЮ «Меҳр қолур» деб номланган Тошхон Ниёзова: — Асли касбим ўқитувчи, болалар боғчасида 20 йил мудирлик, «Ниёзбоши» қишлоқ кенгашида узоқ йиллар раислик қилдим.

Бошқа соҳаларда ҳам ишлаганман, қандай вазифа юкланмасин, сидқидилдан адо этишга уриндим. Хизматларим муносиб тақдирланди. Раҳматли турмуш ўртоғим Исамхўшмамд Эр-назаров шифокор бўлиб, эр-хотин ширин умргузаронлик қилдик. Етти фарзандни оқ ювиб-оқ тараб камолга етказдик. Шукҳули, саодатли кунлар ҳаётимизда кўп бўлган. Айни чоғда 60 набаира, 20 чевара атрофимда парвона. Шу кунларга етказганига шукр.

Тошкентлик Тўлқин Мирқомиллов: — Касбим агроном-иқтисодчи. Умримнинг қирқ беш йили давлат хизматида ўтди. Даставвал Бекобод туманидаги хўжаликлардан бирида иқтисодчи сифатида фаолият юритдим. Сўнг Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида бўлим мудирини, Бўстонлик, Оҳангарон туманларида раҳбар ҳамда вилоят миқёсида (турли идораларда) масъул лавозимларда ишладим. Рафиқам Назирахон билан ҳаётда ўғил-қизларимиз эришаётган ютуқларни кўриб обдан суюнамиз. Бу орада набиралар йўлини топиб, чеваралар ҳам бўй кўрсатди. Маҳалла ахлининг яхши-ёмон кунларида камарбастамиз. Тўйлар бизсиз ўтмайди, бошқа тадбирлар ҳам...

Пискентлик Турсунат Холбоев: — Қозоқ миллатига мансубман, бироқ Ўзбекистон ватаним, Пискент илдиэ отган эса масканимдир. Умримнинг 54 йили (турли идораларда) масъул лавозимларда ўтди. 14 йил Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгаши аъзоси ҳам бўлганман. Қозоқ миллий-маданий маркази раҳбари сифатида 8 йил фаолият кўрсатдим. Хизматларим муносиб тақдирланган. «Дўстлик» ордени, «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонини олганимда кўнглим тоғдек оқсалди, ўзимни ёшаргандек ҳис этдим.

Қизларим Нурсулв, Бахтигул педагог, Гулжапон фармацевт-тадбиркор. Кўёвим Эрмат Кубиев техника фанлари доктори. Уғлим Бекпўлат фермер хўжалиги раҳбари. Бекмуроднинг эса 35 сотихли томорқаси бор. Ўтган йил 30 сотих ерга булғор қалампирини экиб, 10 млн. сўм фойда кўрди. Бу йил фасол эккан, оралиғида эса маккажўхори уруғини қадаган. Фасолни июн ойида йиғиштириб олиб, бўшаган жойга бошқа экин экишни мўлжаллаб юрибди...

Сўхбат шу ерда узилди. Муסיқа янграб, 50 нафар меҳнат фахрийсини жамоламиз этган тадбир бошланганидан дарак берди. Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси Муяссар Исмоилова

Эъзоз ва эҳтиром

(Давоми. Боши 1-бетда). Ушбу хайрли тадбирлар касаба уюшмалари Марказий кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, касаба уюшма кўмиталари томонидан ҳамжиҳатликда уюшқоқлик билан ташкил этилди. Жумладан, Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари ходимлари касаба уюшма ташкилотлари томонидан 366 нафар уруш қатнашчисига 14,24 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Қўнғирот минтақавий темир йўли узели 56 нафар меҳнат фахрийсининг Султон Увайс бобо қадамжосига сەъҳати уюштирди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан эса Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ти-

зимда хизмат вазифаларини бажарётган вақтда ҳалок бўлган оилалардан 60 тасига 12,0 млн. сўмлик, 75 нафар меҳнат фахрийларига 7,5 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди ҳамда Бухоро, Жиззах, Сирдарё вилоятларига 6,8 млн. сўм манзилли ёрдам ажратилди. Дарҳақиқат, кексаларимиз кўзидagi қувонч, шукроналик ҳисси, эл тинчлиги ва фаровонлигини кўзлаб қилинаётган дуолар, шубҳасиз, киши қалбини нурга тўлдиради. Шу нуқтаи назардан, байрам муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, меҳнат фахрийларига 825 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилгани эзгуликнинг ёрқин бир намунаси десак, янглишмаган бўламиз.

Ўз мухбиримиз

АНДИЖОН. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши томонидан Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Шарқ» тантаналар саройида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда барча туман, шаҳарлардан соҳада турли йилларда ишлаб нафақага чиққан 250 нафар меҳнат фахрийси, уруш қатнашчиси ва байналмилал жангчи иштирок этди. Собих ҳамкасблар бир-бирлари билан дийдорлашиб, шу кунларга етказганига шукроналар айтиб, дилдан сўхбатлашди.

— Ҳамкасбларим, шоғирларим билан яна кўришганимдан хурсандман, — дейди Марҳамат туманидан келган 90 ёшли фахрий Фозилжон ота Бахромов. — Меҳр кўзда эканлигини яна бир бор ҳис этдим. Биз кексаларни улуглаб, тадбирини уюштирган касаба уюшма фаолларига раҳмат.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан тайёрланган концерт дастури тадбирга файз киритди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят ҳамда туман, шаҳар кенгашлари томонидан 111 нафар тармоқда ишлаб нафақага чиққан фахрийнинг ҳолидан хабар олиниб, ҳар бирига 100 миң сўмдан моддий ёрдам берилди.

Бундан ташқари, 250 нафар фахрийга эсдалик совғалари топширилди. Бу каби хайрли ишлар бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан давом эттирилмоқда.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида вилоят кенгаши халқ таълими бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда хотира кечалари ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Шу кунгача Избоскан туманида спортнинг шахмат, Булоқбосчи туманида оилавий кўпкураш, Хўжаобод туманида волейбол ва футбол турлари бўйича турнирлар ташкил этилди.

Фолибарга Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашларининг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳамидулла МАТИСАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудирини

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазириликда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Вазирлик ҳамда бошланғич касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Т. Худайбергенов очиб берди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими К. Арипов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Т. Нарбаева ҳамда вазирлик фахрийлар ассоциацияси раиси Н. Очилов сўзга чиқиб, мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ҳар бири нафақат

байрам кунлари, балки доим ҳукуматимиз эътиборидан эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир сўнггида фахрийларга ташкилотларнинг совғалари улашилди.

Ўз мухбиримиз

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Уриқзор» бозори МЧЖ касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда Олмазор туманидаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида хайрия тадбири ўтказди.

Мазкур тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, уруш вақтида мамлакатимизга кўчиб келган оилалар ҳамда халқ таълими ходимлари ва ўқувчи-ёшлар тақдирлари билан уруш ва меҳнат фахрийси

СИРДАРЁ. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тармоқ касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда «Хотира — абадий, жасорат — мангу» акциясини ўтказмоқда.

Вилоятда 117 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари умргузаронлик қилишди. Уларнинг ҳар бирига касаба уюшма маблағи ҳисобидан 200 миң сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. — Жангу жадалларнинг гувоҳиман, — дейди сардобалик уруш қатнашчиси Товбой бобо Сатторов. — Тинчлик улуг нёъмат. Уни мустаҳкамлашга ҳисса қўиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Касаба уюшма ташкилотларининг эътиборидан миннатдорман.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига касаба уюшма ташкилотларининг маъзулли моддий ёрдам кўрсатиши давом этмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

САМАРҚАНД. Мамлакатимиз осовишталлигига ҳисса қўшганлар ҳамиса эъзозда: Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ана шундай кексаларга алоҳида ҳурмат кўрсатишмоқда. Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ кенгашлари уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлардан уч юз нафарини тақдирлади. Самарқанд шаҳар Бўстонсарой кўчасида яшовчи Маматқул Бозоров ҳам жангу жадалларни бошдан кечирганлардан. Урушдан кейин бутун куч ва имкониятини халқ фаровонлиги учун сарфлади. Унга касаба уюшмалари эҳтиром кўрсатиб совға топшириганида ўша дамлар ёдига тушди.

Самарқанд тумани Қайирма ҚФИ худудидаги Юқори қайирма қишлоғида Нарзикул Бобоев истиқомат қилади.

— Давлатимизнинг биз кексаларга ҳурмати боис умримиз сэрмазмун, — дейди Нарзикул ота. — Агротехника хўжалиги ходимлари касаба уюшмасининг бу галги ташрифидан ҳам ажабланганим йўқ. Жамоат ташкилотига кўп йиллар аъзо бўлганман. Ҳамон улар сафини тарқ этганим йўқ.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши эса 60 нафар нуронийни рағбатлантирди. Ташаббус бошланғич ташкилотларда ҳам авж олдирилди. «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти тармоқда хизмат қилиб, айни вақтда қарилки гаштини сураётган 4 нафар уруш фахрийси ҳамда 43 нафар байналмилалчи жангчининг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдориди кўмак кўрсатди.

Фахрийларни эъзозлаш тадбирлари давом этмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

НАВОИЙ. Байрам арафасида вилоятда эл-юрт тинчлиги, фаровон турмуши учун қурашган 300 нафар уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Уларнинг ҳар бирига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан моддий ёрдам берилди.

Ўз мухбиримиз

КОРАҚАЛПОҒИСТОН. Республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаоллари уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларида бўлдилар. Олти нафар ёлғиз кексага 600 миң сўмлик озик-овқат махсулотлари тарқатилди. Шунингдек, жамоаларда, ўқув муассасаларида учрашувлар ташкил қилинди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши, байналмилалчи жангчилар ва Чернобил АЭС офати оқибатларини бартараф этишда иштирок этган соҳа ходимларининг Нукус шаҳридаги «Жасмин» ресторанида учрашуви ташкил этилди.

Учрашувда сўзга чиққан Республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Соғиндик Ниетуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Дониёр Ҳожиёв, Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулнора Нурпелесова ва бошқалар фахрийларга энг эзгу тилақларини билдирдилар. Иштирокчиларга қимматбахо совғалар топширилди.

— Шунингдек, Федерация Кенгашининг «Хотира — абадий, жасорат — мангу» мавзусидаги акцияси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватловчи «Нуроний» жамғармаси томонидан тақдим этилган ҳамда бирлашма қарори асосидаги тақдимот бўйича Шуманой, Кеғейли, Эллиқкальва туманлари ва Тахиташо

шаҳрида истиқомат қилувчи 45 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига кенгаш томонидан юз миң сўмдан, жами 4 миллион 500 миң сўмлик моддий ёрдам берилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Лизахоним Байбосинова.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳам фахрийларга алоҳида эҳтиром кўрсатди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетиде ташкил этилган фахрийлар ва талабалар учрашуви кутаринки руҳда кечди.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё санюати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан эса 8 нафар уруш қатнашчиси, 66 нафар байналмилалчи жангчи 6 миллион 905 миң сўм миқдориде моддий рағбатлантирилди.

Умуман, касаба уюшмалари томонидан 370 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига 32 миллион 667 миң сўмлик совғалар тақдим этилди.

ХОРАЗМ. Юрт тинчлиги йўлида жонини хатарга қўйиб, ёшлигини қурбон қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ўз ҳаётини юрт равнақига бағишлаган меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларни муносиб рағбатлантириш борасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаёт-

ган чора-тадбирлар қарияларимизнинг кайфиятини хуш қилмоқда.

Отаназар Нурметов Иккинчи жаҳон уруши фахрийси. Узоқ йиллар «Урганчтрансгаз» корхонасида меҳнат қилиб, ҳамкасблари ҳурматини қозонган. Хотира ва қадрлаш куни арафасида ижтимоий шериклик таъминлари асосида отахонга «Хонқа» санаторийсида ўз саломатлигини тиклаши учун бепул йўлланма ажратилди.

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Хоразм филиали Хонқа алоқа тармоғида узоқ йиллар самаралар меҳнат қилган Баходир Юсуповнинг Алоқа ходимлари кунини ҳамда Хотира ва қадрлаш айёми муносабати билан Ўзига қўрсатилган ҳурмат-этибордан боши осонга етди.

— Аслида, ҳамкасбларимнинг ширин сўзи мен учун кифоя эди, — дейди отахон. — Бироқ раҳбарларимиз, касаба уюшмалари менга «Турон» санаторийсида дам олиб, саломатлигимни тиклашим учун имконият яратиб беришди. Ушбу йўлланма менга жуда асқотади.

Касаба уюшмалари эътиборидан мамнун бўлган хоразмлик нуронийлар кўпчилигини ташкил қилади. 304 нафар уруш қатнашчиси, 108 нафар байналмилалчи жангчи, 50 нафар меҳнат фахрийси касаба уюшмалари томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Уюштирилган давра сўхбатларида фахрийлар жасорати ва меҳнати эътироф қилинди.

М. ТўРАБОЕВА

Оҳангароннинг саховат уйи



(Давоми. Боши 1-бетда). Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Хотира — абадий, жасорат — мангу» акцияси доирасида аъзо ташкилотлар томонидан туҳфа этилган 30 млн. сўмлик тиббий-ўсуналари жамланмаси ва Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг махсус буюртмаси билан тайёрланган 5 млн. 630 миң сўмлик пижамаларнинг байрам совғаси сифатида тақдим этилиши «Сихат-го» ахлининг қувончига қувонч қўшди. Қайтаётганимизда бизга ҳамроҳлик қилган Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон ту-

ди. Ўзбек менталитетидаги ва халқимиз табиатидаги инсонпарварлик, одамохунлик хислатларига дунё ахлининг ҳаваси келади. Барқамол авлоднинг тарбиялашдан тортиб, ҳатто Мустақкам оила йилининг мақсад мазмуни жамиятимизда имкон даражасида ҳар томонлама тўқис шахсларнинг кўпроқ ва аксинча муҳтожларнинг камроқ бўлишига йўналтирилган. Бу мақсадни амалга оширишда ҳукуматимизга кўмаклашиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Лекин ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Узини ҳар томонлама бадавсир деб ҳисобловчи дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам бундай муассасалар етарли даражада борлигини кўриб турибмиз. Шундай экан, Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек, бир ғариб кўнглини шод айламоқчи вайрон қадамжони обод айлашдан афзал билиб яшаш ширин мудом ҳаётий дастурларидеда эътибор қўлаверади.

Ўз мухбиримиз, Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

Баҳслар қизгин кечмоқда

«Соғлом оила — соғлом фарзанд» шиори остида ўтказилаётган мусобақалар қизгин паллага кирди. Мирзо Улугбек туманидаги 50-мактабнинг спорт залида Ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoати ва геология ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги ходимлар оилалари ўртасидаги беллашувлар бунинг яққол исботидир.

Баҳслар якунига кўра, Тошкент лак-бўёқ заводида Қўчқоровлар, Тошкент шаҳар электротармоқдан Сайдуллаевлар, «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонасида Қодирбековлар оилалари совринли ўринларни банд этишди. Голублар кейинги босқичга йўлланма олишди.



Ўзбекистон Миллий университетининг спорт-соғломлаштириш мажмуасида Республика Фанлар академияси тизимида фаолият юритаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасидаги мусобақалар ҳам қизиқарли кечди.



Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган оилавий мусобақаларнинг шаҳар босқичи, айниқса, таассуротларга бой бўлди. Унда ўрта тармоқдан 20 та оила вакиллари беллашди.

Киз болали оилалар ўртасида «Ўзметмаш-саноат»дан Дарабоевлар, ўғил болали оилалар ўртасида Тавлим, фан ва маданият ходимлари Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан Қувватовлар оилалари республика босқичига йўлланмани кўлга киритишди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири. Қозим УЛМАСОВ олган суратлар

12 май — Халқаро ҳамширалар кунини МЕҲРИДАРЁ, МЕҲРИБОН

Отпоқ либос ичра бир ёрқин юлдуз, Порлагайси тузда, ўчмайси кундуз, Сизни таърифлашга ожиз тил, йўқ сўз, Меҳридарё, меҳрибон ҳамширалар!

Асло йўқдир ўшашингиз тимсоли, Сиз — шу обод юртингиз сулува, ибодли — Келин, гўзал қиз, доно аёли, Оналардай жонга-жон ҳамширалар!

Офтоб мисол порлайди юзларингиз, Чаман бўйсин, гул бўйсин изларингиз, Маъноли, ширин-шакар сўзларингиз, Сиз борки, жонлар омон, ҳамширалар!

Касбининг устаси, ширинсўз инсон, Соғлиқ улашасиз ҳар лаҳза, ҳар он. Ҳозирку нозирсиз, эрта-кеч посбон, Дард кўрманиг дардаг дармон ҳамширалар!

Эшнинг БУРХОНОВ, Чироқчи туманидаги 34-мактаб касба уюшма кўмитаси раиси

БАРКАМОЛ АВЛОД

«Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази барча филиаллар фаолиятига, услубчилар ва тўғрақ раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Айни кунда болалар марказларида ишлаётган 3826 та тўғрақнинг 2817 таси бадий ижодиёт йўналишидадир. Уларда 57468 нафар ўқувчи турли касб-хунар сирларини ўрганмоқда.



Орзуларга қанот бериб

Республика болалар бадий ижодиёт марказига бугунги кунда 790 нафар ўқувчи жалб қилинган. Ташкил этилганда (2011 йил, май) 10 та тўғрақ фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда (2012 йил, март) бу кўрсаткич 42 га етди. Ўтган қисқа вақт ичида кўпдан-кўп ютуқларга эришилди. Жумладан, «Юлдуз» фольклор халқ рақслари тўғраги Пошадга ўтказилган «Весенний Звездолет — 2011» халқаро болалар фестивалида фахрли 2-ўринни эгаллаб, махсус диплом ва кубок билан қайтди. 2011 йилнинг 4-6 июн кунлари Германиянинг Франкфурт шаҳрида «НАКМОМЕ — 2011» халқаро фольклор болалар фестивалида марказ аъзолари «Энг мафтункор гуруҳ» номинациясини эгаллаб, махсус кубокка эга бўлишди. 16-20 июн кунлари Чехияда бўлиб ўтган халқаро фольклор фестивалида 9 нафар «Фольклор» доирачилар ҳамда 6 нафар «Юлдуз» фольклор халқ рақслари тўғрақ аъзолари фахрли 1-ўринни эгаллаб, махсус диплом соҳибига айланшди. Республикада анъанавий тарзда ўтказилаётган «Янги

авлод» болалар фестивалининг 2011 йилги мавсумида марказнинг «Юлдуз» фольклор халқ рақслари тўғраги аъзолари Лауреат бўлишди. 6-7 август кунлари Бангкок шаҳрида ўтказилган «Қироллик кубоги — 2011» халқаро болалар фестивалида марказ аъзолари иккита 1-, учта 2-, битта 3-ўринни эгаллашди. 22-23 октябр кунлари Москвада ташкил этилган «Динамиада — 2011» халқаро фестивалда ҳам битта 1- ва битта 2-ўрин соҳибига бўлишди. Бундай мисолларни жорий йилда ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган 3 нафар тўғрақ раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил ҳамда 8 нафар педагог-ҳодим «Халқ таълими аълочилиги» нишонларига сазовор бўлгани ўзига хос эътирофдир.

Болаларнинг қизиқишлари, айти пайтадаги кайфияти қай даражада эканини билиш мақсадида тўғрақ раҳбарлари билан суҳбатлашдик: Алишер Усмонов — ракетамодел тўғраги раҳбари: — Тўғрагимизга 20 нафар бола қатнашмоқда. Бу ер уларнинг ораунтилишларига қанот берувчи маскандир. Ҳар бири ҳақиқий инсон бўлиб

етишади. Ҳозир кўплаб шогирдларим миллий авиоконпаниямизда меҳнат қилаётганидан фахрланаман. Шерзод Шукуров — Тўйчи Иноғомов номли доирачилар дастаси раҳбари: — Устозларим — элимизнинг машҳур доирачилари Элмурод, Холмурод ва Дилмурод Исмоиловлардан доира чалиш сирларини ўрганганман. Бир неча йилдан бунён ўзим ҳам ёш авлодга бу йўлда сабоқ бериб келаяман. Биринчи навбатда талабгорларнинг қувноқлиги, ритмларни қандай ҳис қилиши, ўзини қандай тутиши сибаб кўрилади. Асосийси, чаққон бўлмаса, ундан доирачи чиқмайди. Баъзан тарбияси оғир болалар келса, ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Айни пайтда тўғрагимизга 90 дан зиёд ўқувчи қатнашмоқда. Билим спорт билан биргаликда олиб борилади. Копток билан сараш, қувноқ стартлар каби спорт мусобақаларини уюштирамиз.

Саидкомил Ҳўжаев — дураторлик тўғраги раҳбари: — Болаларнинг етук инсон бўлишида хунармандчиликнинг роли беқисс. Бошида ишга киришолмай, чўчиброқ турса-да тенгдошлари ясаган ҳар хил кутчалар, қаламдон, лавах, стол-стул каби ижод намуналарини кўриб, қизиқиб қолишапти. Улардаги ғайрат-шижоатни кузатиб, янада изланишга ундаймиз.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» муҳбири


ТАҚДИМОТ

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида бир гуруҳ ҳарбийлар ва курсантлар иштирокида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти соҳибига Муҳаммад Алининг «Улуг аждодлардан мерос шижоат» (Тошкент, «ADIB» нашриёти) номли рисоласи тақдими бўлиб ўтди.



Шижоатга ундовчи манба

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида ташкил этилган, яқинда ўзининг йигирма йиллигини тантанали равишда нишонлаган қудратли армиямиз байрамидан кейинги ўйлар асосида ёзилган асар лотин ҳамда крилл алифбосида chop этилган. Мазкур публицистик рисола мустақил юртимиз армиясининг шаклланиш жараёнига, босиб ўтилган шонли йўллари, жасорат тушунчасининг туб моҳияти, унинг боболардан бизга қолган боқий мерос экани, ўтмиш ва бугуннинг қиёсний далилларини қамраб олгани, айниқса, миллий армиямиз фаолиятини акс эттирувчи рангли суратлардан намуналар берилгани билан аҳамиятлидир. Китоб ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, хуриқнинг қадрига етиб, озод ва обод Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашга ундаш йўлида муҳим қўлланма сифатида эътироф этилди. Тадбир сўнггида иштирокчилар Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилишди.



А. АБДУЛЛАЕВ

«Тарихий хотира» топқирлик машқлари

МУАММОНОМА Шакл атрофидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари ифодаланган. Уни қуйидаги калит сўзларни топиб, жавоблардаги ҳарфлар асосида билиб олинг.

ватандошимиз — 12, 7, 3, 2, 14, 13, 1, 22. 5. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Бобурийлар ҳаёти ва ижодига оид тарихий романлар муаллифи, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибига — 9, 7, 6, 1, 3, 7, 16. 6. «Зарбулмасал» нодир асарини ёзиб қолдирган ўзбек мумтоз шоири, масалнавис — 10, 11, 4, 12, 2, 5, 1, 22. 7. Дунё халқлари қўшиқ ва рақслари ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибига — 8, 2, 13, 2, 3, 2, 12, 7, 5, 1, 13. 8. Хоразмда биринчи мусика мактаби ташкилотчиси ва раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоирнинг лирик шеърларидаги таҳаллуси — 20, 7, 21, 2, 3. 9. Хотира рамизи, ёлғорлик — 19, 17, 6, 2, 4, 1, 21. 10. Бирор нарсанинг охири, натижа — 23, 21, 11, 5. КРОССВОРД Диагональ бўйича чапга: 1. XX аср янги ўзбек ада-

биётининг улкан намояндаси, «Ўткан кунлар» асари билан ўзбек романичилигига асос солган адиб. 19. Атоқли тарихчи, шарқшунос, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Амир Темур» тарихий романи муаллифи. 25. Ҳажвчи адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Елгончи фаршаддан ёхуд елвизакфеъл ва суваракмижоз Башир-жон Сайинишев ҳаётини» ҳажвий романи муаллифи. Диагональ бўйича ўнгга: 1. Мустақиллик йилларида қарор топаётган азалий, миллий анъаналаримиз мажмуи. 19. Ўзбекистон халқ рассоми, ижодиди Шарқ миниатюраси анъаналарини давом эттирган, миллий мусаввирлик мактаби асосчиси, Алишер Навоий дostonлари қарамонларини мўйлаҳамда гавдалангирдан устоз. 24. Ўзбекистон халқ ҳофиси, мумтоз ва лирик қўшиқлар ижрочиси, маргилонлик устоз хонанда. 2. Мангун, хурсанд, шодлик ифодаси. 20. Шахс ҳаётини маълум бир вақт, маълум замон оралиги. 3. «Кеча ва кундуз» романи муаллифи, Алишер Навоий номидида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ва «Мустанзиллик» ордени соҳибига, қатағонқурбони. 4. Фазал мулкининг султони, ўзбек мумтоз, мутафаккир шоири. 5. Хонанда, Ўзбекистон халқ артисти, мусиқали драма ҳамда опера асарларида образлар, мақом йўллари, катта ашула, халқ ва ўзбек бастакорларининг ашулалари ижрочиси. 6. Шароғида истеъдод соҳибларига тақдим этилган атоқли ўзбек шоираси, Халқаро «Нилуфар» мукофоти соҳибига, Ўзбекистон халқ шоираси. 7. Тасавуфнинг машҳур намояндларидан бири, асарлари «Девони хикмат» нодир асариди жамланган мумтоз шоир. 8. Воква-ходисалар даврларига кўра акс эттирилган манба. 9. Мақолдан: Эр — силланган ерда ... 10. Ўзбекистон Қарамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг умр йўлдоши, атоқли ўзбек шоираси. 11. Театр ва кино санъаткори, сахнада мумтоз шоира Нодирабегим сиймосини яратган, Ўзбекистон халқ артисти, «Дустлик» ордени соҳибига. 12. Асарларида, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини илгари сурган XIX аср қорақалпоқ шоири. 13. Ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мустаъод ёзган ижодкорлардан бири, 1640-1711 йилларда яшаб ўтган наманганлик мумтоз шоир. 14. Биринчи ўзбек драматисти «Падарқуш» асарини ёзиб қолдирган маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири, Ясавий авлодидан бўлган ижодкор. 15. Ўзбекистон халқ артисти, Республика ёш томошабинлар театрида оналар образининг моҳир ижрочиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибига. 16. Мақеби, кўринишга кўра гоят катта, улкан. 17. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муаллифи, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти. 18. Ўрак-томир касалликларининг устоз жарроҳи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик. 21. Атоқли кино ва театр санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти, «Келинлар кўзалони» фильмида Уста Боқи образи ижрочиси. 22. Уз аҳд-паймонини муқаддас тутиш, ваъдада қатъий туриш. 23. Алишер Навоий ҳақидаги асарлар муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик ижодкор. 27. Маърифат арбоби, Туркистонда жадидчилик ҳаракати намояндларидан бири, илк дарсликлар муаллифи, устоз муаллим, қатағон қурбони. 28. Уз даврида аҳамият касб этган «Олти тили лугат» тузаган наманганлик ўзбек маърифатпарвари, шоир. 29. Асарларида миллат ва ватан тушунчалари кенг ўрин эгаллаган ўзбек шоири, публицисти, қатағон қурбони. 30. «Широк», «Ўтзор» каби тарихий қиссалар муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 31. Ватанимизда илк «Хотира майдон» бунёд этилган шаҳар. 32. Дунё халқларининг азалий орзуси. 33. Аждодларимиздан давом этиб келаятган, истиқлол йилларида дунёда оммалашган миллий спортимиз. 34. «Олтин зангалмас» романи муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Бўйича: 21. Уз даврида ўзбек Пелеси таҳаллусини олган, «Пахтакор» жамоасининг собиқ футболчиси, мураббий, 26. Аждодлар ардоғида бўлган мўйтабар дийр. 35. Ўзбек шоири, тилишунос, ўзбек тилидаги илк омонимлар лугати ҳисобланувчи «Ўзбекча шаклдош сўзлар» китоби муаллифи, қатағон даври қурбони. 36. Кўз касалликлари мутахассиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби «Жасорат» медалли соҳибига.

Word search puzzle grid with the word 'АВЛОД' (Avlod) hidden in the letters.

Subscription information for 'Ishonch' newspaper, including contact details for various cities and subscription rates.